



ARTICLE INFO

Received: 04th December 2022

Accepted: 14th December 2022

Online: 15th December 2022

KEY WORDS

Меҳнат ҳуқуқи, уй меҳнати, касаначилик, масофавий ишлаш, меҳнат шартномаси, норасмий секторда банд, меҳнат таътили, ҳомиладор аёллар.

Ижтимоий меҳнат унинг иштирокчилари орасида мустақкам ўзаро алоқа, ягона мақсад ва вазифа бўлиши, ягона мақсадга эришишни таъминлайдиган ягона тартиб-қоидалар бўлишини тақозо қилади.

Шу сабабли мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ходим манфатларини иш берувчи манфаатлари билан улар манфаатларини давлат ва жамият манфаатлари билан самарали қўшиш уйғунлаштириш имконини берувчи меҳнат қоидалари амал қилиши лозим.

Маълумки, амалдаги меҳнат кодекси мустақилликнинг дастлабки йилларида яъни 1995 йилда қабул қилинган ва 1996 йилдан кучга кирган. Албатта ўша даврда ҳар хил мулкчилик шакллари тўлиқ шаклланмаган, меҳнатга оид тартибларда ҳамон собиқ иттифоқ давридаги айрим қоидалар амал қилган.[1]

Бугунги кунга қадар ҳам меҳнат қонунчилигида айрим меҳнатга оид

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР, ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

Зиядуллаев Махмуджон Джуракулович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги

Университети, Юридик фанлар бўйича фалсафа

доктори (PhD), доцент,

E-mail: maxmud1970@rambler.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7440031>

ABSTRACT

Ушбу мақолада 1995-йилда қабул қилинган Меҳнат кодексининг айрим нормалари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаётганлиги, янги кодексни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳамда янги меҳнат кодексини ишлаб чиқишда халқаро ҳужжатлар, илғор хорижий тажрибалар ва қонуности ҳужжатлар ўрганилганлиги ёритиб берилган.

Шунингдек, янги Меҳнат кодекси билан қулайликлар, имтиёзлар ва кафолатлар ҳамда меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш мақсадида таклифлар илгари сурилган.

муносабатлар ўз ечимини топмаганлиги амалиётда бир қатор муаммо ва қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Жумладан, ходимлар ва иш берувчилар манфаатлари мувозанатини таъминламайдиган, уларнинг ташаббусига тўсқинлик қиладиган, бозор иқтисодиёти талабларини инobatга олмайдиган қоидалар мавжуд бўлиб, ишчиларнинг айрим тоифалари (уйда ишловчилар, жисмоний шахсларда меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган ишчилар, коллегиял ижро этувчи органлари аъзолари, ўриндошлар, мавсумий ишчилар, масофавий ишчилар) меҳнатини тартибга солиш хусусиятларига етарлича эътибор берилмаган.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг айрим қоидалари халқаро ҳуқуқ стандартлардан фарқ қилади. Хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида”ги 1970 йилги конвенциясининг 3-моддасида



бир йиллик иш учун бериладиган таътил миқдори ҳар қандай ҳолатда уч иш ҳафтасидан кам бўлмаслиги кераклиги белгиланган, амалдаги меҳнат қонунчилигида эса йиллик асосий таътилнинг энг кам миқдори 15 кун қилиб белгиланган.

Мамлакат тараққиётининг асосий йўналишларидан бири жамиятни демократлаштириш жараёнларини кучайтириш воситаси сифатида кучли давлатчиликдан кучли жамият томон ҳаракатланишдан иборатдир. Ушбу нуқтаи назардан олганда давлат функцияларини жамиятга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоаларига ўтказила бориши табиий ҳолдир. Ўтган давр мобайнида жамиятнинг барча соҳаларида туп ўзгаришлар амалга оширилди, жумладан меҳнат муносабатларида ҳам турли-туман мулк шакллари амалиётга жорий қилинди.

Хусусан;

- уй меҳнатининг ривожланиши;
- касаначилик меҳнатини такомиллашгани;
- хусусий мулкчиликнинг аҳамияти ошгани;
- ишлаб чиқаришнинг дифференциациялашгани;
- масофадан ишлаш кўлами кенгайганлиги;
- ижтимоий шерикликни мустаҳкамланганлиги ва бошқа йўналишларда янги-янги меҳнат муносабатлари амалиётга жорий қилиниб, уларнинг аксарияти қонуности актлар билан тартибга солинган.

Юқоридагилар ҳисобга олинган ҳолда 100га яқин Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари, 63та илғор хорижий давлатларнинг тажрибаси, қонуности актлари билан тартибга солинган меҳнатга оид

муносабатлар ўрганилиб янги меҳнат кодекси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 28 октябрда “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни имзоланди. [2]

Камчиликлар бартараф этилиши билан биргаликда янги Меҳнат кодексида қуйидагилар назарда тутилди, жумладан;

- ходимнинг шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилиш тартиби жорий этилмоқда;

- ходимларнинг йиллик асосий таътили муддатининг давомийлиги кўпайтирилиб, халқаро стандартларга мувофиқлаштирилмоқда;

- дам олиш кунни байрам кунига тўғри келган тақдирда, у кейинги иш кунига кўчирилиши белгиланмоқда;

- аёлларга ҳомилани антенатал (туғруққача) парваришлаш учун кўшимча бўш кунлар берилмоқда;

- масофадан туриб ишлаш тартиби қонунийлаштирилмоқда;

- уй ишчиларининг меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмоқда;

- ходимларнинг ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиш тартиби аниқлаштирилмоқда;

- муддатли меҳнат шартномасини тузиш асослари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда;

- муддатли меҳнат шартномаси муддати бир марталик узайтириш ҳуқуқи билан 5 йилдан 3 йилгача қисқартирилмоқда;

- айрим тоифадаги ходимлар (раҳбарлар, бош бухгалтерлар) учун синов муддати 3 ойдан 6 ойгача узайтирилмоқда;

- ходимнинг пенсия ёшига етганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш” асоси чиқариб ташланмоқда;



- Ишдан бўшатиш нафақасини иш берувчида ишлаган иш стажига қараб дифференциациялашган миқдори ва бошқа муҳим қоидалар белгиланмоқда.

Ушбу янги кодексни қабул қилишдан кутилаётган натижалар авваломбор кичик бизнес субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорларда банд бўлган аҳолининг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари белгиланади;

расмий банд аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини тартибга солишдаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликлар бартараф этилади;

меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича мурожаатлар камайишига эришилади;

якка тартибдаги тадбиркорлардаги ёлланма ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси таъминланади;

мавсумий иш билан банд бўлганларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш имконияти яратилади;

меҳнат муносабатларида коррупция хавфи камаяди (хизмат текширувчи тартиби), “Ягона миллий меҳнат тизими” рақамлаштирилади;

норасмий секторда банд бўлганларнинг улуши 2026 йилга 30 фоизгача камайиши кузатилади;

масофадан ишловчилар меҳнат муносабатлари тартибга солинади;

йилига 500 минг қўшимча равишда фуқаролар бандлиги таъминланади;

йилига 30 минг ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар синов муддатисиз ишга қабул қилинади

давлат бюджетига қўшимча пул маблағ тушишига эришилади;

“Гендер нейтраллик” тамойили таъминлади, жамоат назорати ўрнатилади.

Шунга ўхшаш кўплаб замонавий, талабларга мос бўлган меҳнатга оид қоидалар янги меҳнат кодексига ўз аксини топган.

Шунингдек, меҳнат муносабатларини янада

такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин.

129-модда. Ишга қабул қилиш чоғидаги дастлабки синов

тегишли таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан бир йил ичида биринчи бор ишга кираётганда олинган мутахассислиги бўйича мустақил равишда ишга жойлашаётган **умумий ўрта**, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг битирувчилари;

383-модда. Ишни таълим билан бирга олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ташкилотларида, кадрларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида (курсларида) меҳнат шартномаси бўйича ишдан ажралмаган ҳолда ўқиётган, ишга янги қабул қилинган ходимлар учун, агар улар ўз йиллик меҳнат таътилларини бакалаврият талабалари учун давлат аттестацияси ва битирув малака ишини ҳимоя қилиш, магистратура талабалари учун магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш вақтига ёхуд имтиҳонлар ва лаборатория-имтиҳон сессиялари вақтига мослаштиришмоқчи бўлса, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик меҳнат таътили мазкур иш берувчидаги меҳнат фаолиятининг олти ойи тугагунига қадар берилади.

Юқорида кўрсатилган моддалардан “умумий ўрта” сўзини чиқариб ташлаш.

Шунингдек, янги кодексни кўплаб моддаларида 16 ёшгача ногирон бола сўзлари ўрнига ХМТнинг “Болалар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция талабларидан келиб чиқиб “18 ёшгача” деб ўзгартирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати



ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шу жумладан, меҳнат қилиш инсоннинг табиий ҳуқуқи сифатида халқаро даражада эътироф этилган ҳуқуқдир. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларга

муносиб меҳнат шароити яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиб, бу ҳуқуқлар халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

References:

1. <https://lex.uz/acts/142859>
2. <https://lex.uz/uz/docs/6257345>
3. Djurakulovich Ziyadullaev Makhmudjon. "YESTERDAY'S, TODAY'S AND FUTURE PENSION REFORMS IN UZBEKISTAN". Conference Zone, Mar. 2022, pp. 119-21, <http://www.conferencezone.org/index.php/cz/article/view/362>.
4. Зиядуллаев, М. «Сильная социальная защита - требование времени». Общество и инновации, т. 2, вып. 5, октябрь 2021 г., сс. 64-68, doi: 10.47689/2181-1415-vol2-iss5-pp64-68 (Ziyadullaev, M. "Strong social protection is a requirement of the time." Society and Innovations, vol. 2, no. 5, October 2021, pp. 64-68, doi: 10.47689/2181-1415-vol2-iss5-pp64-68).
5. Зиядуллаев, М. «Право на социальное обеспечение в Узбекистане и радикальные реформы, проведенные в пенсионном секторе в 2017-2021 годах». Общество и инновации, т. 2, вып. 8/S, сентябрь 2021 г., сс. 121-7, doi: 10.47689/2181-1415-vol2-iss8/S-pp121-127 (Ziyadullaev, M. "The right to social security in Uzbekistan and the radical reforms carried out in the pension sector in 2017-2021." Society and Innovations, vol. 2, no. 8/S, September 2021, pp. 121-7, doi: 10.47689/2181-1415-vol2-iss8/S-pp121-127).